

Мусулмонни кофир дейишнинг ҳукми | Ақийда дарслари (255-дарс)



19:00 / 27.11.2023 2526

Бу масала жуда нозик ва ўта хатарлидир. Айниқса, ҳозир, ақоид илми билимдонлари кам, уни излаганлар ундан ҳам кам, бўлган-бўлмаган нарса учун кўпчиликни кофир ёки мушрикка чиқариб юборадиганлар кўпайган бир пайтда. Албатта, ҳар бир ижтимоий муаммонинг ўз сабаблари ва омиллари бўлгани каби, одамларни осонликча кофирга ёки мушрикка чиқариб юборадиганлар кўпайишининг ҳам ўзига яраша сабаб ва омиллари бор. Уларни батафсил ўрганишни мутахассисларга ҳавола қилиб, биз ўзимизга тегишли жойини баён қилишга ўтамиз. Ислоҳ борасидаги кўпгина хатолар қатори, бу масаладаги хато ҳам, асосан кишиларнинг диний билим савиясининг йўқлиги ёки хатолигидан келиб чиқади. Энг ёмони – ўша камчиликни тўғрилашга ҳаракат қилмасликдир.

Ушбу маънода кишиларга айтиб юрган маълумотларимизни ёзиб ҳам қўйишга қарор қилдик.

Бу масалада «Шархи «Ақийдатут Таҳовийя» китобида қуйидагилар айтилади:

«Аҳли қиблалардан бирортасини гуноҳ туфайли кофир қилмаймиз, модомики буни ҳалол ҳисобламаса».

Бу каби масалаларда «аҳли қибла»дан мурод, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган жамики нарсаларга иймон келтириб, диннинг асосий нарсаларидан бирортасини инкор қилмаганлар кўзда тутилади.

Демак, «Аҳли қиблалардан бирортасини гуноҳ туфайли кофир қилмаймиз», дегани, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган жамики нарсаларга иймон келтириб, диннинг асосий нарсаларидан бирор нарсани инкор қилмаган одамни гуноҳи кабира ёки бошқа гуноҳ туфайли «кофир» деб ҳукм чиқармаймиз, деганидир.

Аммо гуноҳ ишларни қилган одамни «Кофир бўлди», дейдиганлар ўзларининг оят ва ҳадисларга амал қилиб иш тутаётганларини даъво қиладилар ва далиллар келтирадилар.

Қуръони Карим ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида «куфр» деб номланган гуноҳларга мисоллар қуйидагилар:

﴿لَا تُكْفِرُونَ هُمْ فَأُولَٰئِكَ اللَّهُ أَنْزَلَ بِمَا يَحْكُمُونَ وَمَنْ﴾

1. «**Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, бас, ана ўшалар кофирлардир**» (Моида сураси, 44-оят).

2. Набий алайҳиссалом: «**Муслмонни сўкмоқлик фисқдир. У билан уруш қилмоқ куфрдир**», деганлар.

Бухорий ва Муслим ривоят қилганлар.

3. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Мендан сўнг бир-бирингизнинг бўйнингизни чопиб, кофир бўлманг**» деганлар.

Бухорий ва Муслим ривоят қилганлар.

4. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Муслмон билан куфрнинг ўртасида намозни тарк қилиш бордир**», деганлар.

Муслим ривоят қилган.

5. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Аллоҳдан ўзганинг номига қасам ичса, батаҳқиқ, кофир бўлибди»**, деганлар.

Имом Ҳоким ривоят қилган.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 22 июлдаги 03-07/5979-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.